



**Самида МУСТАФАЕВА**

Тошкент давлат шарқшунослик институти  
[samida21@hotmail.com](mailto:samida21@hotmail.com)

## **ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА УНИФИКАЦИЯЛАШ МАСАЛАСИ**

Мақолада хитой терминологиясини тартибга солиш масаласи, хусусан, тилшунослик терминлар тизимида унификацияга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил қилиниб, соҳа терминларини тартибга солиш бўйича таклифлар берилди.

В статье рассматриваются вопросы упорядочения терминов в китайской науке, в частности анализируется лингвистическая терминосистема языка, также разработан ряд предложений по вопросу унификации лингвистической терминологии китайского языка.

This article is devoted to a problem of standardization of terminology in Chinese language. There were analyzed factors of unification of linguistic terms, were given some suggestions about terms ordering.

**Калит сўзлар:** термин, тилшунослик терминологияси, стандартлаштириш, хитой тили, унификация.

**Ключевые слова:** термин, лингвистическая терминология, стандартизация, китайский язык, унификация.

**Key words:** term, linguistic terminology, standardization, Chinese language, unification.

Ҳар бир соҳа терминологияси шаклланишининг асосий манбаси адабий тил ҳисобланади(1, 10). Терминлар тизимини нормаллаштирилиш ва стандартлаштириш масалалари даставвал ушбу тилнинг нормаллаштирилиши ва стандартлаштирилишига боғлиқ. 1955 йили 15 октябрда Хитой Халқ Республикаси Маърифат Вазирлиги ва Ёзувни ислоҳ қилиш қўмитаси ёзув ислоҳоти бўйича тўққиз кун давом этган Бутунхитой конференциясини ўтказди, 25–31 октябрга қадар эса ХХР Фанлар Академияси ташаббуси билан ҳозирги хитой тили нормалари бўйича илмий конференция ҳам бўлиб ўтади. Бу икки конференция ёзув ислоҳотини жадаллаштириш, умуммиллий тил 普通话 *putonghuani* кенг тарғиб этиш, шу билан бирга умуммиллий тилни

нормаллаштириш ишларини бошлаб бергани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Умуммиллий адабий тилни стандартлаштириш бўйича ўтказилган конференцияда Хитойда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараён, халқ демократиясининг кўплаб ижтимоий гуруҳлар фаоллигини ошириши, бу жараёнда қоғоз ҳамда нутқдаги сўзнинг аҳамияти бир бўлиши, тил масаласи бутунмиллат манфаатига боғлиқ масала даражасига кўтарилганлиги таъкидланади. Шундан ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда қатъий меъёрларга эга бўлган умумий адабий тилга кучли эҳтиёжнинг келиб чиққанлиги изоҳланади(2, 127).

Мазкур конференцияда 1919 йили қадимги хитой тили *вэнян*нинг ўрнини эгаллаган ва айнан шимолий шевалар асосида шаклланган *байхуа*га нисбатан қуйидаги фикрлар айтилган: замонавий адабий тил (*байхуа*)нинг меъёрлари аниқ ва қатъий эмас, ҳеч бир фарқсиз бир маънони ифодалашда қўлланиладиган сўзларнинг кўплиги, сўзларнинг қўлланилишдаги турғунсизлик, сўз ясалишининг эркинлиги, қисқартмалардан ўринсиз фойдаланиш, грамматик конструкциялардаги ноаниқлик, бир сўзнинг турлича талаффуз қилиниши ушбу тилда кўплаб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади(2, 133).

Терминлар тизими адабий тил билан узвий боғлиқ бўлганлиги боис адабий тилдаги ушбу камчиликлар хитой тили терминологик лексикаси, жумладан, тилшунослик терминологиясида ҳам кузатилади. Ваҳоланки, ҳар бир соҳа терминологияси ушбу соҳадаги тушунчаларга мос келувчи терминлар тизимидан иборат бўлиши керак. Терминлар маълум тизимни ҳосил қилиши учун эса қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: 1) ҳар бир термин қўлланиладиган соҳаси доирасида бир маъноли бўлиб, бир тушунчани ифодалаш учун хизмат қилиши лозим; 2) термин тушунча моҳиятини акс эттириши, ҳеч бўлмаганда унга зид келмаслиги лозим. Бундан ташқари, терминлар қисқа бўлиши керак, чунки мураккаб структурага эга терминлар қўллашда ноқулайликларни келтириб чиқаради(3, 72).

Терминларда энг кўп кузатиладиган камчиликлар сифатида кўп маънолилиқ ва дублетлилиқ кўрсатилади. Терминларда дублетларнинг бўлиши соҳа лексикасини ўзлаштиришда қийинчилик туғдириш билан бирга мутахассисларнинг бир-бирини тушунишида ҳам муаммоларни келтириб чиқаради. Синонимия ва кўпмаънолилиқ тилнинг бойлиги ва ундаги ифода имкониятларини кенгайтирса, кўп маънолилиқ ва дублетлилиқ терминологиянинг том маънодаги нуқсонлари саналади(3, 72).

Терминологияни тартибга солиш ҳақида гап кетганда, асосан, қуйидаги сўзлар ишлатилади: тартибга солиш, унификация ва стандартлаштириш(1, 9).

Терминлар ясалиши асосан она тил манбалари ва ресурсларига таяниши асосли ҳисобланса-да, бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган фан соҳалари тилда, айниқса, терминологияда кўплаб халқаро ёки четдан ўзлашган сўзларнинг қўлланилишига сабаб бўлмоқда. Терминологияда кўп маънолилик, дублетлилик ҳодисалари салбий ҳолат деб баҳоланишига қарамасдан, юқорида келтирилган омиллар бу каби ҳолатларнинг терминлар тизимида учрашига сабаб бўлмоқда. Терминлар унификациясида термин ва тушунчанинг бирлиги ва бир маънолилигига талаб қатъий бўлмоғи лозим(1,9).

Терминологиянинг лингвистик унификацияси даставвал термин ясалишининг бир хилдаги принципларга эга бўлишини назарда тутди(1, 11).

“Тилнинг стандартлаштирилиши” деганда “тил тизимининг маълум ўзгармас ҳолатда тўғри ифода этиладиган ва кўпчилик томонидан қабул қилинган шакли” тушунилади(5, 10).

Тилнинг стандарлаштирилиши албатта терминларнинг стандартлаштирилишини четлаб ўтмайди, ўз навбатида терминларнинг стандартлаштирилиши тилга таъсир кўрсатади (6, 4).

Хитой тилида “меъёрлаштириш” 规范化 *guifanhua* аксарият ҳолларда 标准化 *biaozhunhua* “стандартлаштириш” термини билан параллел қўлланади, хитойча-инглизча луғатларда иккала термин ҳам “стандартлаштириш” деб таржима қилинган. Тилшунослик терминлари таржимасининг нормаллаштирилиши (规范化 *guifanhua*) ёки стандартлаштирилиши (标准化 *biaozhunhua*) ва унификацияси (统一化 *tongyihua*) нафақат терминларни қай тарзда таржима қилиш муаммоси, балки тил лексикологиясининг бир меъёрга келтирилишига боғлиқ масаладир(6, 4).

Синология соҳаси терминларини стандартлаштиришда, аввало, маданий омил ҳақида ўйлаш лозим. Чунки мазкур соҳа терминларининг муайян қисми қадимда шаклланган, ҳатто ўз терминлар тизимини ҳам ҳосил қилган. Бу тизим бошқа фан соҳаларида кам учрайдиган ёки умуман кузатилмайдиган қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади(9, 29-31): 1) тарихийлик; 2) гуманизм; 3) хусусиятни таърифлаш миқдорнинг таърифланишидан кўплиги; 4) мавҳум ҳодисаларни турдош отлар билан аташ ҳолатининг кўп учраши(7, 12).

Бутун Хитой фан-техника Атамалари тасдиқ кўмитаси 2007 йилда синов тарикасида иероглифика бўйича атамалар рўйхатини эълон қилади. Кўмита атамаларни танлашда тўрт принципга амал қилган ва қуйидаги терминлар ушбу рўйхатга киритилмаган: 1) кам қўлланиладиган ёки аҳамияти камроқ сўзлар; 2) тугал шаклланмаган терминлар; 3) тилшуносликнинг бошқа соҳаларида ҳам такрорланадиган терминлар; 4) мазмунида мавҳумлик бўлган терминлар(8, 31–35).

Хитой Атамалар тасдиқ кўмитаси синология соҳаси терминларини стандартлаштиришида қуйидаги хусусиятлар эътиборга олинган:

1. терминнинг маҳаллийлашиши;
2. терминнинг байналмилаллашуви;
3. терминнинг тизимлашиши (7, 13).

Хитой тилшунослик терминлари тизимининг тадқиқи натижасида соҳа терминларидаги синонимлик, вариативлик каби терминлар унификацияга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарувчи қуйидаги омиллар аниқланди:

1. Қадимги хитой тилидан ҳозирги хитой тилига ўтган ва дублетларни ҳосил қилган терминлар: 词 *ci* ‘сўз’ терминининг 辞 *ci* ‘сўз’, 语 *yu* ‘сўз; сўзлар’, 字 *zi* ‘сўз; иероглиф’, 名 *ming* ‘сўз; ном’ каби синонимлари мавжуд. Бундан 词 *ci* ‘сўз’и ҳозирги хитой тили тилшунослик соҳасида кенг қўлланилади. 辞 *ci* ‘сўз’ айрим терминлар таркибида: 修辞 *xiuci* ‘стилистика’ каби; 语 *yu* ‘сўз; сўзлар’ айна пайтда ‘тил’ маъносида кўпроқ қўлланилувчи мазкур лексема қатор грамматик терминларнинг компоненти ҳам бўлиб келади: 主语 *zhuayu* ‘эга’, 定语 *dingyu* ‘аниқловчи’ каби; 字 *zi* ‘сўз; иероглиф’ ‘иероглиф, белги’ маъноларида қўлланилувчи ушбу термин қадимги хитой тилида ‘сўз’ маъносида қўлланган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки уларнинг ҳеч бири ҳозирги тилшуносликда 词 *ci* ‘сўз’нинг вазифаларини тўлиқ бажара олмайди.

Хитой шевалар гуруҳига нисбатан 官话 *guanhua*, 北方话 *beifanghua*, 北方方言 *beifang fangyan* терминлари қўлланилади. 官话 *guanhua* ‘бошқармоқ + нутқ; тил’ маълум тарихий давр (тахминан Минг сулоласи давридан XX асрнинг 10-йилларига қадар) хитой адабий тилига нисбатан қўлланилган термин. 官话 *guanhua* асосини шимолий шевалар ташкил қилади. Шу сабаб ҳозирда Хитойнинг шимолий шевалари гуруҳи 北方方言 *beifang fangyan* ‘шимол (томон) + шева, диалект’ ёки 北方话 *beifanghua* ‘шимол + нутқ; тил’га нисбатан 官话 *guanhua* термини ҳам қўлланилади. Бунда хитой адабий тили маъносини эмас, айнан шимолий шевалар маъносини ифодалайди.

Хитой тили ёрдамчи сўз туркумларига нисбатан қадимдан 虚词 *xuci* ‘сохта, ёлғон + сўз’ термини қўлланилган маълум. Замонавий хитой тилшунослигида 虚词 *xuci* билан бир қаторда 不全义词 *bu quan yi ci* ‘йўқ+тўлиқ+маъно+сўз’, тўлиқ маънога эга бўлмаган сўзлар, 补助词 *buzhuci*

‘бутламоқ, тўлдирмоқ + ёрдам бермоқ+ сўз’, ёрдамчи сўзлар терминлари ҳам қўлланилишига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шу каби мустақил сўз туркумлари маъносида қўлланилувчи 实词 *shici* ‘ҳақиқий + сўз’ қадимги хитой тилида сўзлар таснифи учун қўлланилган. Бу термин шу маънода ҳозирда ҳам қўлланиб келинмоқда, у билан параллел равишда шу вазифада 全义词 *quan yi ci* ‘тўлиқ, бутун+ маъно + сўз’ термини ҳам қўлланилади.

2. Чет тилдан ўзлашган ва хитой тилидаги эквивалентлари билан синонимик муносабатга киришган терминлар: 葛郎玛 *gelangma*, 文法 *wenfa*, 语法 *yufa* ‘грамматика’ термини, бундан 葛郎玛 *gelangma* фонетик ўзлашма бўлса, 文法 *wenfa* ‘ёзув; матн; тил (ёзма шакли) + қонуният’ семантик калька ва кейинчалик 语法 *yufa* ‘тил; нутқ; сўзлар + қонуният’ термини шаклланган бўлиб, ҳозирда асосан шу термин ‘грамматика’ маъносида қўлланилади. Ёки морфология хитой тилида 形态学 *xingtaixue* ‘шакл + ҳолат + фан, таълимот’ ва 词法 *cifa* ‘сўз + қонуният’ терминлари орқали ифодаланади. Ҳозирги хитой тили тилшунослик соҳасида ҳар иккала терминнинг ҳам қўлланилишини кузатиш мумкин, лекин 形态学 *xingtaixue* фақат тилшунослик соҳасида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам қўлланилади. 词法 *cifa* ёки 词法学 *cifaxue* терминлари фақатгина тилшунослик соҳасига хос.

3. Тилшуносларнинг термин ижодкорлигига турлича ёндашувлари натижасида тузилиши ёки ясалиш усуллариغا кўра фарқли, бироқ мазмунан бир бўлган терминларнинг ижод қилиниши: 附加法 *fujiafa* ‘қўшмоқ; тўлдирмоқ + усул; қоида’, 词附加法 *cifufa* ‘сўз + қўшмоқ + усул’, 附加作用 *fujia zuoyong* ‘қўшимча қилиш; тўлдириш + натижа бериш; аҳамият’, 加词缀 *jiacizhui* ‘қўшмоқ + аффикс’, уларнинг бари тилшуносликдаги аффиксация усулига нисбатан қўлланилади. Дастлабки икки термин ярим аффиксация усулида ясалган бўлса, қолган икки термин сўз бирикмаси шаклидаги терминлар саналади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам функционал-семантик жиҳатдан бир.

拟声词 *nisheng ci* ‘тақлид қилмоқ; кўчирмоқ + товуш + сўз’ ва 象声词 *xiang sheng ci* ‘шакл; тақлид қилмоқ + товуш + сўз’ терминлари бирдек тақлид сўзлар маъносида қўлланилади.

直译词 *zhiyici* ‘тўғридан-тўғри + таржима қилмоқ; ўғирмоқ + сўз’, 仿译词 *fangyi ci* ‘андоза олмоқ; талид қилмоқ + таржима қилмоқ + сўз’, 仿造词 *fangzaoci* ‘андоза олмоқ; тақлид қилмоқ + ясамоқ + сўз’ бу терминлар тилшуносликда калькаларга нисбатан қўлланилади.

Бу каби мисоллар хитой тилшунослигида кўплаб топилади. Шу боис хитой тилида тилшунослик терминларининг унификацияси ечимини топиш муҳим масалалардан бири саналади.

Хитой тилшунослик терминлари унификацияси учун қуйидаги тавсияларни таклиф этиш мумкин:

Биринчи омил юзасидан. Кейинчалик шаклланган термин қадимда қўлланилганларидан устун бўлса, яъни изоҳланган мисолдаги каби бугунги тилшуносликда қабул қилинган ‘сўз’ тушунчасига келтирилган терминлардан ҳеч бири 词 *ci* чалик мос келмайди. Чунки 辞 *ci* нинг ‘сўзлар, жумла; хат’ маънолари бор, 语 *yu* ҳозирда кўпроқ ‘тил’ маъносини ифодалайди. 字 *zi* қадимда ‘сўз’ маъносида қўлланган бўлса-да, бугунги кунда хитой тилида сўзларнинг структур ўзгаришларини ҳисобга олсак, бундан ташқари 字 *zi* нинг ‘иероглиф; ҳарф’ маънолари устунлигидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳам ‘сўз’ термини сифатида қўлланилиши тўғри эмас.

Лекин шундай терминлар борки, улар тилшунослик соҳасига сингиб кетган ва қадимги хитой тили базасида шаклланган бўлишига қарамай, ўзини функционал жиҳатдан тўлиқ оқлаб келмоқда. 虚词 *xuci* ва 实词 *shici* терминлари терминларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, бир маъноли, тузилишига кўра бошқа вариативларидан ихчам, халқ менталитети ва хитой халқи онгидаги дунё манзарасига мувофиқ ясалган. Бундай ҳолатларда, қадимги хитой тилидан ўтган бўлишига қарамай, терминдан воз кечиб, янгисини ижод қилишга эҳтиёж йўқ.

Иккинчи омил юзасидан. Хитой тили фонетик ўзлашмалардан тилда унинг ўрнини босадиган термин ясалиши билан воз кечиш хусусияти боис бошқа тиллардан фарқланиб туради. Семантик калькалар асли хитойча сўзлардан одатда фарқланмайди. Шунга қарамасдан, семантик калькаларни ҳам алмаштира оладиган термин тил ички имкониятлари доирасида ясалган ва ушбу термин соҳа доирасида муносиб ўрнини эгаллаган бўлса, шу терминнинг ўзи қўлланиши афзал. Бундан ташқари, айрим ҳолатларда семантик калькаларнинг қўлланилиш доираси кенг бўлиши мумкин. 形态学 *xingtaixue* термини морфология маъносида ботаника соҳасида ҳам қўлланила олади. 词法 *cifa* терминининг биринчи компоненти 词 *ci* ‘сўз’ тилшунослик соҳаси

термини бўлганлиги сабабли 词法 *cifa* ‘морфология’ фақатгина тилшунослик соҳасига тегишли ҳисобланади. Бу эса соҳа терминологияси учун ижобий ҳол.

Учинчи омил юзасидан. Термин ижод қилинганида термин компонентлари учун танланаётган сўзларнинг кўпмаънолилигидан “қочиш”, агар кўпмаъноли бўлса, ундаги етакчи маъно ясалаётган терминнинг маъносига қанчалик мос келишини ҳисобга олиш синоним терминлар кўпайиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади. Юқорида келтирилгани каби 拟声词 *nisheng ci* ва 象声词 *xiang sheng ci* ‘тақлид сўзлар’ икки термин бир-биридан фақат биринчи компонентига кўра фарқланади. 拟 *ni*: 1. лойихалаштирма; 2. режалаштирма; 3. тақлид қилма; 4. қиёслама; 5. тахмин қилма (10, 992).

象 *xiang*: 1. фил; 2. шахмат ўйинидаги фил; 3. шакл; 4. тақлид қилма (10, 1491).

Биринчидан, 拟 *ni* морфемасида 象 *xiang*дан фарқли равишда омонимлик хусусияти йўқ, қолаверса, ‘тақлид қилма’ маъноси нисбатан олдинроқ тилга олинапти(3-пунктда) ва ниҳоят 象 *xiang* сўзининг ‘тақлид қилма’ маъноси 模拟 *moni* сўзи воситасида берилган, бунда сўзнинг иккинчи компоненти 拟 *ni* морфемаси. Демак, 拟 *ni* морфемасида ‘тақлид’ маъноси кучлироқ. Демак, 拟声词 *nisheng ci* термини бу туркумга оид сўзлар моҳиятига иккинчи терминга қараганда яқинроқ.

Ёки калькаланиш орқали ўзлашган сўзлар ‘калька’га нисбатан хитой тилида мавжуд терминлар 直译词 *zhiyici*, 仿译词 *fangyi ci*, 仿造词 *fangzaoci*. Терминларнинг учинчи компоненти 词 *ci* ‘сўз’. Фарқлар биринчи ва иккинчи компонентларда. 直译 *zhiyi* > 直 *zhi* ‘тўғридан-тўғри’ + 译 *yi* ‘таржима қилиш’, тўғридан-тўғри ёки сўзма-сўз таржима қилинган деган маънони беради. Лекин бошқа тиллардан хитой тилига сўзма-сўз таржима қилиш доим ҳам ўринли эмас. 仿译 *fangyi* > 仿 *fang* ‘тақлид қилиш; андоза олиш’ + 译 *yi* ‘таржима қилиш’, асл нусхадан андоза олган ҳолда, унга мослаб таржима қилиш. 仿造 *fangzao* > 仿 *fang* ‘тақлид қилиш; андоза олиш’ + 造 *zao* ‘ясама; қурма’, андоза олган ҳолда, тақлидан яшаш маъносини англатади. Хитой тилида ‘грамматика’ *grammatike* (к.юнон тилида ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати (4, 31) терминининг семантик калькаси 文法 *wenfa* бўлиб, унда 文 *wen* ‘хат, ҳарф; ёзув; матн; адабиёт’ + 法 *fa* ‘қоида; қонун; қонуният; санъат’ маъноларини англатади. Бу ўринда агар сўзма-сўз таржима қилинганда ‘грамматика’ 读字法 *duzifa* ‘ўқима + ҳарф + қонун; санъат’, 字法 *zifa* ‘ҳарф + қонун; санъат’ ёки 字艺 *ziyi* ‘ҳарф + санъат’ тариқасида таржима қилиниши мумкин эди. Лекин термин англатган маъносидан ташқари, вазифаларидан ҳам келиб чиққан

холда, андозага мувофиқ таржима қилинган. 仿造词 *fangzaoci* терминининг иккинчи компоненти 造 *zao* ‘ясамоқ; қурмоқ’ бўлгач, кальканинг моҳиятидан узоқлашади. Шу сабаб энг ўринлиси 仿译词 *fangyi ci* терминидир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Даниленко В.П., Скворцов Л.И. Лингвистические проблемы упорядочения научно-технической терминологии. В Я., №1, 1981. – С. 7–17.
2. Конференции в Пекине по вопросам реформы китайской письменности и нормализации китайского языка// Вопросы языкознания, № 2, 1956. – С. 131 – 136.
3. Терпигорев А.М. Об упорядочении технической терминологии// ВЯ., 1953. №1.-С.71 –77.
4. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. –165 б.
5. 吕翼平. 当前我国语言文字的规范化问题.上海：教育出版社，第 10 页.
6. 任洋湘. 语言学术语译名的规范化.广西民族大学硕士研究生学位论文.第 4 页.
7. 裴亚军, 王作新. 国学的术语规范问题. 中国科技术语·2009 (3) /第 12 页.
8. 沙宗元. 文字学名词审定例释.中国科技术语, 2007 (5)/31-35.
9. 王永炎, 朱建平. 五年来中医药学名词审定工作.科技术语研究·2005 (3) / 第 29-31 页
10. 现代汉语词典. –北京, 2005.1835 页.